

# Тошкент оқшомми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (11.431)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
ТОШКЕНТ

### Ёшлар — келажагимиз

**Мамлакатимизда  
йигит-қизларимизнинг  
билим олиб,  
хунар эгаллашлари,  
етук мутахассислар  
бўлиб етишишлари  
учун барча  
шароитлар  
яратилган.**

## ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ



Бундай шарт-шароит ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз билим олишга, ўзлари танлаган касб-хунар сирларини мукамал эгаллашга интилишмоқда, иқтидорларини намойён этишмоқда.

Шаҳримиздаги II Республика тиббиёт коллежи талабаси Манзура Ҳожиакбарова ҳам ана шундай изланувчан ёшларимиз қаторида бўлиб, у келгусида инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашга, беморлар дардига малҳам бўлишга бел болаган. Шу боис ҳам аъло ўқишга, хунар сирларини кунт билан ўрганишга интилоқда.

— Манзура Ҳожиакбарова нафақат билим олишдаги фаоллиги, жамоат ишларидаги иштироки, ўтказилаётган тадбирларда ўз иқтидорини намойён этиши билан ажралиб туради, — дейди унинг устози, коллеж ўқитувчиси Раҳима Мирпўлатова. — Келажақда унинг яхши тиббиёт хо-

дими сифатида фаолият кўрсатишига ишонамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Манзура Ҳалқаро ҳамширалар кунига бағишлаб коллежда ўтказилган «Мутахассислик — менинг келажагим» деб номланган илмий-ижодий анжуманда ўзининг илмий иши билан иштирок этиб, фахрли ўринга сазовор бўлди.

— Шифокор нафақат билими, балки ширинсўз, меҳрибон бўлиши кераклигини жуда яхши би-

ламан, — дейди Манзура Ҳожиакбарова. — Мен ҳам келажақда етук мутахассис бўлиб, мустақил юртимиз равнақида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун астойдил ўқийман, устозларимдан кўп нарса ўрганишим лозим.

**(Ўз муҳбиримиз)  
СУРАТДА: иқтидорли талаба,  
бўлғуси ҳамшира Манзура  
Ҳожиакбарова амалиёт ўтамоқда.**

Яқинда Германияда машҳур немис сайёҳи Марга Крекельнинг ана шундай номланган китоби нашрдан чиқди. Муаллифнинг Ўзбекистонга уюштирган саёҳати таассуротлари баён этилган, 200 дан зиёд фотосуратлар билан безатилган ушбу китоб ўзида бугунги Ўзбекистон, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзи, аънаналари ҳамда урф-одатлари ҳақидаги ҳикояларни мужассам этган.

«Самарқанд ва Бухорони кўриш менинг болалик орзуим эди, — деб ёзади Крекель хоним китоб муқаддимасида. — Хауф эртакларини берилиб ўқиган пайтларимдан бошлаб Шарқ романтикаси тўғрисида ширин хаёлга чўмганман. Кейинчалик Ўзбекистон, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал музей-шаҳарлари, ушбу бетакрор ўлканинг меҳмондўст одамлари мени бутунлай ўзига мафтун этди. Ўзбек дийри бўлаб саёҳатга ҳозирлик кўра туриб, мен бугунги Ўзбекистоннинг ҳаётига чуқурроқ кириб бориш мақсадида ўзбек халқининг турмуш тарзи, тили, дини, аънаналари, маданияти ҳамда санъати тўғрисида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилдим».

Китобнинг бошланғич қисмида муаллиф мамлакатимиз

## «МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ»

худуди, аҳолиси, иқтисодиёти, табиий бойликлари, тили, дини ва дунёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларига оид маълумотларни келтиради. Бугунги Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирар экан, муаллиф ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик аънаналари ва урф-одатлари, миллий ва диний байрамларини кўз қорачигидек авайлаб-асраётганини қайд этади. Шу ўринда Ўзбекистонда миллиятлар ва динлараро тотувликни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда маҳалланинг тугган ўрнига алоҳида ургу беради.

Ўзбек миллий таомлари, халқимизнинг урф-одатлари, аънаналари ва тўй маросимлари немис сайёҳининг эътиборини ўзига тортади. Бу ҳақда сўз юритиб, М. Крекель хоним бой ўзбек пазандчилиги, мамлакатимизнинг турли минтақаларига хос бўлган урф-одатлар ва меҳмондўстлик аънаналари ҳақида ёзади. Қизиқувчилар учун у сомса, манти, чучвара каби бир қатор ўзбек миллий таомлари ва албатта шохона таомимиз бўлган паловхонтуранинг тайёрланиш усулига оид маълумотларни келтиради.

Шунингдек муаллиф дунё илм-фани ва ислом тамаддуни ривожига ўзининг беназир улушини қўшган буюк давлат ва дин арбоблари дафн этилган муқаддас қадамжолар зиёратидан олган таассуротлари билан ўртоқлашади. Мустақиллик йилларида ушбу қадамжолар тўлиқ таъмирлангани, ободонлаштирилгани ва барча учун зиёратгоҳ масканларга айлантирилганини қайд этади.

Муаллиф шунингдек Ўзбекистон заминида мавжуд ислом маданиятининг кўплаб дурдоналари ҳақида ҳикоя қилади. Хусусан, китобда Бухородаги Сомониёлар ва ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари, Самарқанддаги Гўри Амир ва Шохи Зинда ёдгорлик мажмуалари, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва ислом санъатининг ноёб дурдоналари ҳисобланган бошқа кўплаб обидалар ҳақидаги ҳикояларни ўқиш мумкин.

Муаллиф асарда буюк давлат арбоби, саркарда, ўзбек халқининг ғурури бўлган соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига алоҳида эътибор қаратади.

Шунингдек, китобда Ўзбекистондаги савдо-сотиқ ва хунармандчилик соҳалари ҳақидаги ҳикоялар ўрин олган. Китоб муаллифи Буюк Ипак йўли, Ўзбекистоннинг қадимий ва гавжум бозорлари ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этган. Жумладан, китобхон Бухородаги Гумбаз бозори ва Лаби ҳовуз тарихи билан танишиши мумкин. М. Крекель хоним Ипак йўли ҳақида гапирар экан, бу йўл нафақат савдо-сотиқ ва хунармандчиликнинг ривожланишига, балки дунёнинг турли халқлари ўртасидаги маданий ва диний алмашинувга ёрдам берганини таъкидлайди.

Муаллиф китобхон эътиборини мамлакат ҳаётида энг диққатга молик тарихий саналарга қаратиб, улар қаторида, табиийки, Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг янги тарих саҳифасини очган 1991 йил 1 сентябрни алоҳида қайд этади. Немис сайёҳи Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларнинг бугунги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритган.

Китоб хотимасида муаллиф Ўзбекистон тақрор ва тақрор келишга арзигулик мамлакат эканини таъкидлайди. «Менинг болалиқдаги орзуми ушалди, Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим. Бу шундай дийрки, мен у ерга юрагимнинг бир парчасини ташлаб келдим ва албатта, у ерга яна қайтиб бораман», — деб ёзади М. Крекель хоним.

**Ш. УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Берлин**

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

**Республика Болалар ижтимоий мослашув марказида «Вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий тенденциялар ва девиант хулқни профилактика қилишда оиланинг роли» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридagi вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллари ҳамда марказ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, юртимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаш, шунингдек ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш каби эзгу мақсадларга қаратилганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, юртимизда бола ҳуқуқларига доир ҳамда ёш авлод ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид қабул қилинган юздан ортиқ халқаро меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида иштирокчилар вога етма-

ганлар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бар-тароф этиш учун ҳаётий кўникмалари ҳамда иш фаолиятидаги тажрибалари билан ўртоқлашди-лар. Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила ҳамда маҳалла-кўйнинг ўрни бекиёс. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳам фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга. Семинар-тренинг доирасида иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Болалар ижодий уйларида бўлиб, бу борада пойтахтда қилинаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади деган нақл бор. Масаланинг туб моҳиятидан ҳам кўриниб турибдики, соғлом турмуш тарзи ҳамда оиладаги соғлом муҳит фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

**«Туркистон-пресс»**

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Молия институтида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этиш чораларига бағишлаб ўтказилган форумда талаба-ёшлар иштирок этишди.

✓ **КЕЧАДАН** мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кўнлари сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгагининг «Бахтли болалик» лойиҳаси доирасида «Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат» акцияси бошланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Аxbорот технологиялари университетиде таълим тизимида аxbорот-телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб талабалар иштирокида форум уюштирилди.

✓ **КЕЧА** «Соғлом авлод учун» жағмараси ташаббуси билан Тошкент шаҳар болалар руҳий асаб касалликлари шифохонасига дори-дармон воситалари ва тиббий жиҳозлар тўхфа этилди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг «Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда суд-ҳуқуқ органлари масъул ходимлари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

● Жиззах шаҳридаги Ақушерлик мажмуи ўтган йил якунларига кўра, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг «Болага дўстона муносабатда бўлган туғруқхона» сертификатига муносиб деб топилди.

● Кармана туманининг Қумушқон кўрғонидagi «Навойазот» ОАЖ таркибида 4 гектарлик чорвачилик мажмуаси ташкил этилди. Жорий йилнинг бошида бу ерга Украинадан 205 бош қорамол олиб келинди. Айни пайтда жониворларнинг 112 бошидан соғлом бузоқ олинди.

● «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Жиззах вилоятида жорий йилда 22 та қишлоққа 123 километрлик ичимлик суви тармоғи ўтказилади. Қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳудудида давлат бюджети ҳисобига 1 миллиард 844 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида ёзувчи Нодир Норматовнинг «Рўзи Чориевнинг сўнги васияти» роман-эссесининг тақдими бўлиб ўтди.

● Республика «Хунарманд» уюшмасининг Сирдарё вилояти бошқармаси хайрли ишга қўл урди. Бошқарма қошида «Хунарманд» музейи ташкил этилиб, унда 50 нафардан зиёд хунарманднинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

● Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қоракўлчилик кафедраси ҳамда Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимларининг Жондор туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган Амир Темур номли хўжалиқда олиб борган тадқиқотлари натижасида қоракўл кўйининг — «Бухоройи шариф» тури яратилди. Янги тур кўй териси ўзининг енгиллиги ва нафис жиловаси билан ажралиб туради.

## ЖАҲОНДА

● Перу Бош вазири Еудэ Симон Амазонка ҳиндулари ва полициячилар ўртасидаги 35 киши ҳалок бўлган тўқнашувлар муносабати билан ўзининг истеъфога чиқиши тўғрисидаги ниятини маълум қилди.

● Жорий йил 25 майда Шимолий Корея томонидан ўтказилган ядро синовларига жавобан Япония маъмурияти КХДРга махсуслот экспортини тақиқлади. Маълумотларга кўра ушбу тақиқлов барча турдаги Япония махсуслотларига тааллуқли ва 2010 йилнинг апрель ойигача амал қилади.

● Швеция парламенти мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилишга қарор қилди. Ушбу масала муҳокамага кўйилганда парламентдаги 349 нафар депутатдан 153 нафари уни қўллаб-қувватлашгани, 150 нафари эса қарши эканлигини билдирган. Шу тариқа, ушбу қарор 2010 йилнинг 1 июлидан кучга кирадиган бўлди.

● Маълумки, Эронда яқинда бўлиб ўтган президент сайловларидан буён норозилик намойишлари ва тартибсизликлар давом этмоқда. Хусусан, кеча рўй берган тартибсизликлар чоғида етти киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат маъмурияти тартибсизликлар ташкилотчиларининг қатл этилиши мумкинлигини эълон қилди.

● Кеча Мурманск областида Россия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли режали парвозни амалга ошираётган «СУ-24» русумли бомбардимончи самолёт номаълум сабабларга кўра қулаб тушган. Бирок самолётнинг иккала учувчиси катапульта усулини қўллаган ҳолда омон қолишган. Ҳозирда ҳалокат сабабларини аниқлаш мақсадида самолётнинг «қора қути»си ўрганилмоқда.

● 2009 йилнинг биринчи чорагида Европа газ импортини 13,7 фоизга, унинг истеъмолини эса ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 5,4 фоизга камайтирди.

● Кримда чўмилиш ҳавасининг шундай ёнгинасида 3 метр чуқурликдан Иккинчи жаҳон уруши даврига тааллуқли 1 тонналик мина топилиб, сапёрлар томонидан зарарсизлантирилди.

● Буюк Британиянинг бош авиакомпанияси маъмурияти ўз ходимларидан бир ҳафта бўладими ёки бир ойми мошсиз фаолият кўрсатишни илтимос қилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур авиакомпания бугунги кунда оғир иқтисодий вазиятни бошидан кечирмоқда.

● Москва шаҳри мэри Юрий Лужков шаҳардаги энг йирик ва арзон бозорлардан бири — Черкизов бозорининг йил охирига қадар ёпилиши мумкинлигини билдирди.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАҒИМАТИ  
2200  
2009  
ТОШКЕНТ

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Аждодлар меросидан

## АНДОҚ БИР ШАҲАРКИ ЖАННАТМАКОНДИР...

2200 йиллик тарихга эга бўлган азим шаҳримизда кўплаб олиму фозиллар, улуг донишмандлар яшаб, ижод қилганлар, Тошкентимизни шеърӣ мисраларда тараннум этиб, ажойиб ташбеҳлар билан таърифлаб, юракдан мадҳ этганлар. Улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг замондоши бўлган Зайниддин ибн Абдужалил Восифий ҳам ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида Тошкентни ўзгача меҳр, оташин бир муҳаббат билан тасвирлаб, мадҳ этган. Зайниддин Восифий Мовароуннаҳр, Самарқанд, Бухоро, кейинчалик Тошкентга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Куйида Зайниддин Восифийнинг Тошкентни тараннум этиб ёзган шеърӣ асарини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Зайниддин ВОСИФИЙ

Тошканд мулкин буюн таъриф этай,  
Нукталар шодасин назмга битай.  
Бир диёрки, анда сунбули раъно,  
Халқин жаҳон айтар мардуми доно.  
Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,  
Жаннат неъматларин орзу қилмагай,  
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.  
Бу кентни ким кўрса асло жилмагай,  
Жаннат неъматларин орзу қилмагай,  
Бўлак юртларда гар бўлгун бахтиёр,  
Бунда гадолик бех, эттил ихтиёр.  
Муборак тупроғи мисли тўтиё,  
Суйи раҳмат суйидин хўброқ гўё,  
Тупроғин гардлари етса фалакка,  
Бўлгудек тўтиё чашми малакка.  
Шунинг-чун ел уни элтиб осмона,  
Атру упа қилур хури гилмона.

Суйи қаршида оби ҳаёт ҳеч,  
Зулмат сари кетсин, шармандадан кеч.  
Хизр гар суйидан хабар топсами,  
Зулматни тарк этур, ҳам қолмас гами.  
Балки аввал излаб топган бўлса ул,  
Оби ҳаёт таркин айлаган буткул,  
Топ-тоза зилолдек Парак дарёси,  
Салсабил наҳрига монанд қиёси.

Остидаги тошлар дурдан қолишмас,  
Дурлар бозорида нархи ҳеч тушмас,  
Насими гўёки Исонафасдир,  
Анга етмоқ Масихога ҳавасдир.  
Хушбўй сабосини этсанг ихтиёр,  
Рухларвар дилбарлар нафасича бор.  
Ҳавоси малҳамдир хаста жон учун,  
«Қонуни» шифодир бағри қон учун.  
Олови дилбарнинг феълидек сарқаш,  
На дилқаш! Оташин, воҳ, лаъли маҳваш!  
Фитна кўзгашлари жонга балодир,  
Шуъласи серафшон ўтлар солодир.  
Ҳар бир нур ўрнидан туриб қолса гар,  
Тасаввур қилакўр — шиша тўла зар.  
Дуди оловидан гар кўтарса бош,  
Дейсиз лозлардан сарви қаламқош.  
Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар,  
Алардин Эрамнинг кўксига доғлар.  
Боғларни васфига агар киришсам,  
Ёддан кўтарилур беҳишту Эрам.  
Тераклар саф тортиб турарлар қатор,  
Ҳар бирин дегайсан сарвқомат ёр.  
Тераклар қоматин кўрганда қизлар,  
Шармдан қизарур, ҳаёдан гизлар.  
Ясанган қизлардек қадди санавбар,  
Викор-ла тугради саф тортиб аръар.  
Ёраб, тол баргининг сувдаги акси,  
Қармоққа илинган балиқлар ракси.  
Заминга инади соя билан нур —  
Гўё мушқу анбар ерга сочилур.  
Чаман узра тиргулнинг болқиши,

Айман водийсининг оловкор ниши.  
Анҳор тарафида кўринган гулбун,  
Ўшал яшил дарахт, гули эса — хун.  
Қара, гулбинидин гунча кўрингай,  
Сабзаранг хум мисол, ичи тўла май.  
Ё доғли сийнаси маҳзун булбулнинг,  
Ичи қонга тўлмиш дардида гулнинг.  
Йўқ, галат сўзладим — бу бир боғ гули,  
Шундан доғли эрур булбулнинг дили.  
Гулнинг завқ-шавқидо доимо нолон,  
Шу гулнинг жабридан чекадир афғон.  
Анвоий бинафша арик четидо,  
Титратма бор каби тану этидо.  
Ё, йўқлик мулкидин қаторма-қатор,  
Яшиллик келтурур қарвондо баҳор.  
Савсан гунчалардин кўрсатур бармоқ,  
Олуда этибди ниюлу рангга, боқ,  
— Мендандир, — дейди у, —

боғнинг чиройи,  
Бўёқчига келур кўк ранг киройи.  
Наргис кўзи тегди унга азалдан,  
Кўқариб бўй чўзди сарв касалдан.  
Шунданми юз минглаб гунча чўзиб тил,  
Дам солур сарвга бир-бир мустақил.  
Доим баҳор гули деганича бор,  
Ундан чорбоғ ичи ҳаммаша баҳор.  
Ёки Қорун ганжи ер остидайди,  
Баҳор анинг сирин фош этиб кўйди!  
Гулхайри гулларин қалқон айламиш,  
Устида забаржад маржон айламиш.  
Шунданми ҳамма ёқ ганжга ўхшайди,  
Қалқон тутган баҳор ганжни ўлчайди.  
Лозларда маскан қурган андалиб,  
Гул мадҳин тарк этмас тани ўт олиб.  
Боди сабо лола ховончасида  
Фолия тугади гул боғчасида.  
Аргувон гуноҳқор бир хиндумикин,  
Тани чўб зарбидан қорайдимкин?  
Таёқ зарбидандан танда яралар,  
Баданида юз минг қонли қатралар.  
Занбақ гули гунчаси ёнар чаманда,  
Шу ваз қофур нархи тушган экан-да?  
Анинг шу жилваси шиша зарми?  
Ёнинг бармоқларин аён этарми?  
Боғнинг янги келинчаги настанан —  
Оҳорли рўмолин бошга боғлаган.  
Қарилқонди нишонами — боши оқ?  
Ёки жондин умид уздимни ёш чок?  
Чаманга маст кумри нолон кирибди,  
Зебо сарв кўксини ошиён дебди.  
Ул ҳам гул хабарин эшитибди-ку,  
«Қани!» деб аламда зорланди «ку-ку?»  
Кумрилар чинорда, маснад юқори,  
Ҳар бири минора узра бир қори.  
Бодроқдек ҳаммаси шавқу завқда, хур,

Ҳаммаси танрига сано айтадур,  
Оғиз шу маҳали лаззатга тўлар,  
Мевалар сифатин сўзласам агар,  
Узумин васфидин айтигин бир қур,  
Лаълу дурлар билан гаровда енгур.  
Назарга келтиринг соҳиби наъмин,  
Эслатур чиккабел дилбарлар лабин.  
Ҳусайний узумин ҳар бир донаси —  
Гўзаллар лаълининг ол дурдонаси.  
Ишқоллар осмонин кузатсанг агар,  
Бобаки кўрунур мисоли хумкор.  
Кўзак қанд билан гаровда банддай,  
Новотнинг устидан шакар тортгандай.  
Шақари навининг узумидан енг,  
Нархини сўрсангиз новот билан тенг.  
Бир кезиб чиқсангиз тарвуз пайкалин,  
Ҳавас ҳам қилмайсиз беҳишт асалин.  
Чарх бу экинни осмонда сақлар,  
Балки осмон уни тумор-ла ёқлар,  
Қовуни новотнинг таъмини берар,  
Мазаси танинга жон бўлиб кирар.  
Араблар ҳалвога чўп ўрнатурлар,  
Ширинлик қасдига на чуст қилурлар?  
Қовуннинг ҳар бири қаллақандча бор,  
Одамлар шунинг-чун бошини ёрар.  
Айшу ишрат руқни эрур ҳар боли,  
Шу бинонинг ҳеч ким бўлмас заволи.  
Майсалари кўзга ташланган ҳамон,  
Гўзаллар хаттининг ҳечлиги аён.  
Нозик сабзалари — барра, ўлтиринг,  
Нозикқадлар эҳсонига тенг кўринг,  
Ширинлиги ўткир — тилни тилади,  
Алишер таъбидан — буни билади.  
Меваларга тўлиқ бу рангин бўстон,  
Арзийди ёзласам шаънига дoston.  
Ҳар анори гўё чўғдек санжоний,  
Лаъл каби товланур ёқут румоний.  
Хўққа тўла лаълу ҳам қизил ёқут,  
Жонингга бағишлар қувват билан қут.  
Нашватисин қилай таъриф, сифотин,  
Сув олади оғзинг, зикр этсам отин.  
Гўё шивачалар тўла новотдир,  
Дема новот, унда оби ҳаётдир.  
Ун оғоч ёнки ун тош наридан,  
Мушқин хид таралар олмаларидан!  
Ўхшайди дилбарлар занаҳдонига,  
Кўрганлар илинғай унинг домига.  
Ё тавба, беҳисин обрў рангидан,  
Боғ кўрки ортади янги-янгидан.  
Шираси беҳиштининг сувини десам,  
Жаннатнинг лаззати унда мужассам.  
Таърифлаб ягона Тошканд анжири,  
Бунда жамулжамдир сирларнинг сирини.  
Булардан ҳаммаша жонга ҳаловат,  
Шираси асални қилур маломат.

Наим НОРКУЛОВ таржимаси



**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш борасида шаҳримизда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.**

Айни кунларда пойтахтимиз юбилейга бағишлаб жойларда маънавий-маърифий йўна-

лабига мос равишда таъмирлаш бўйича амалий ишлар жалб қилинган ҳомийлик ма-

Тараддуд

## ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

лишда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Яқкасарой туманидаги «Ўзтрансгаз» корхонасида, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида, умумтаълим мактабларида «Тошкент — Шарқнинг илм-фан, маданият ва маърифат маркази» мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Байрам арафасида ушбу туман аҳолисини арзон ва сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан уزلуксиз таъминлаш, деҳқон бозорларида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида, арзонлаштирилган савдо туманидаги «Аския деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида ва маҳаллаларда жойлашган дала дўконларида ташкил этилган. Бундан ташқари, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжалиқлари билан шартнома асосида туман ҳудудида юқорида қайд этилган асосий турдаги маҳсулотларнинг савдо ярмаркаси ушбу тирилмоқда.

Тўйга тўёна деганларидек, жорий йилда 73-мактабда, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежида, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицейи спорт залида, 13-сузишга ихтисослаштирилган спорт мактабида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами арафасида туман бўйича 81 та бино ва иншоотнинг қурилиши ҳамда 286 тасининг таъмирланиши тугатилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Таъмир талаб 1546 та яқка тартибдаги уй-жойларни замон та-

лағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб тарзда кўтиб олиш мақсадида туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 160 минг дона гуллар, 4 мингга ҳар хил турдаги дарахтлар экилди ва жалб қилинган техникалар ёрдамида суғорилмоқда. Бугунги кунга қадар 1368 туп дарахтларга шакл берилди ва шох-шаббалар олиб чиқиб кетилди. Туман бўйича 184,6 километр ирригация тармоғи мавжуд бўлиб, бундан 67 километр масофадаги ирригация тармоқлари бир неча бор тозаланиб, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳалла аҳли томонидан 440 минг дона гуллар экилди, шунингдек, 14 та гулхоналар барпо этилди.

Азим ва ҳамиша навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилейини юксак нуфузи ва маънавият муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, бой тарихий ва маданий меросини тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш, ёшларимизнинг тарбиясига, қарияларимизни қадрлаш масалаларига, шунингдек, шахсий хонадонларимизни авайлаб-асрашга, атроф-муҳитни ободонлаштиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўша билсак, байрамона кайфиятда шаҳримизнинг 2200 йиллик байрамини ёруғ юз билан кўтиб оламиз.

**Баҳодир ЮСУПОВ,**  
Республика Маънавият тарғибот марказининг Яқкасарой туман бўлими раҳбари

Худди шу ерда «Хурматли дўмбирободликлар! Қадимий ва навқирон Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи шарафига маҳалламиз обод ва гўзал бўлиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деган шир осилган. Аҳамиятли шундаки, бу шир бугунги кунда бутун маҳалла аҳлининг тилида ва дилидаги чакриқ бўлиб, унинг самараси яқол кўринмоқда. Маҳалла ҳудудида йил бошидан буюн 2000 тупдан ортиқ ранг-баранг гуллар экилди. Олдинги экилган 70 дан ортиқ олма, ўрик, арчаю терак сингари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эса барқ уриб мевалилари ҳосил бериш арафасида.

Маҳалла оқсоқоли Комилжон Қаюмовнинг сая-ҳаракати, таш-

**Чилонзор туманидаги Дўмбиробод кўчаси бўйлаб кунботар томонга юрсангиз, кўчанинг икки томонидаги тўрт қаватли уйлар ва маиший хизмат корхоналари, сабзавот маҳсулотлари ва мевалар билан савдо қилинадиган бозорча кўзингизга ташланади.**

## МАҲАЛЛАДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАР

килотчилиги ва маҳалладошларнинг аҳиллиги, хусусан ҳомийларнинг маблағи билан чиқинди тўпланиб ётадиган майдонда «Дўмбиробод» маҳалласининг чиройли, салобатли гузари тез, қисқа вақт ичида қурилди. Бу ишда оқсоқол маслаҳатчилари Шукур Раҳма-

тов, Ҳасанхон Аҳоровларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шунингдек чиқиндиларни йиғиб жўнатиш пункти барпо этилди. Маҳалланинг янги идораси орқасидаги кенг майдонда болалар спорт мажмуаси қурилиши бошланди. Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг

нишонланадиган жорий йилда маҳаллада ободончилик соҳасида кўп ўзгаришлар юз бермоқда. Новза, Қозиробод кўчасидаги 6, 7, 9-уйлар ўртасидаги кенг майдонда, 167- ва 317-мактабгача таълим муассасаси ҳовлисида «Ёш бунёдкорлар боғи» барпо этилди. Мевали

Мен ҳар гал улуг бобомиз Заҳриддин Мухаммад Бобур фазаларига мурожаат қилганимда, Ватанга муҳаббат, Ватан соғинчи нақадар олий ва улугвор туйғулар эканини янада теран ҳис этаман.

Ватан ҳақида сўзлаш, куйлаш ҳам шараф, ҳам улкан масъулият деганидир. Матндаги ҳар бир сўз юракдан ҳис қилинганда, мусиқа ва ижро уйғунлашгандагина чиройли кўшиқ яратилиши мумкин.

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар, танловлар ўтказилмоқда.

Президентимиз қарорига кўра «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг таш-

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

## ВАТАННИ КУЙЛАМОҚ БАХТИ

**Ватан! Бу сўз замирида қанча инсоний туйғулар мужассам. Шу боис ҳар гал шоирларимиз унинг мадҳини қаламга олганда, санъаткорларимиз у ҳақда куйлаганда, бу улуг тушунчанинг янги-янги қирралари очилаверади. Зеро, энг чиройли кўшиқ ҳам, энг чиройли сўз ҳам Ватан ҳақида бўлади.**

кил этилгани биз, санъат аҳлини ҳам қувонтириб юборди. Бу миллий кўшиқчилик санъатини ривожлантиришга, шунингдек, ёшларимиз қалбига ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади. Бу танлов олис ва чекка кишлоқларимизда яшаб ижод қилаётган иқтидорли ёшларимиз-

ни ҳам кашф этиш, рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди. Тан олиш керак, бугунги кунда энгил-елли, мазмунсиз кўшиқлар ҳам кўпайиб кетган. Бундай кўшиқлар ёшлар маънавиятини юксалтиришга ҳеч қандай хизмат қилмайди. Мазкур кўрик-танловнинг энг катта ютуғи ҳам ёшлари-

мизда Ватан туйғусини шакллантириш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганида, деб биламан.

Ватан ҳақидаги кўшиқ ҳар бир юракка этиб боришига ишонаман.  
**Маъмуржон ТҶУХАСИНОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти.  
(ЎЗА)

дарахт кўчатлари ва турли гуллар экилди.  
Кўчабошилардан Обиджон Сотболдиев ва Мухаммадали Исроиловлар «Қирқоғайни» кўчаси билан Мамарасул Бобоев 1-торт кўчасининг кесишган жойида мевали дарахтлардан олма, ўрик, гилос ва шафтолиларни пайвандлаб, парвариш қилишмоқда. Ҳозир «Дўмбиробод» маҳалласининг кўчаларида юрган киши ўзини мевали боғларни кезаётгандек ҳис қилади.

Бу маҳаллада ободончилик билан бирга маънавият ва маърифат ишларига, аҳолининг маданий ҳордиқ чикаришига, фахрийларни қадрлашга, ёшлар тарбиясига, ўтганларни хотирлашга ҳам алоҳи-

да аҳамият берилди.  
Ҳар йили «Меҳр қолур, оқибат қолур» ширини остида қатор тадбирлар ўтказилади. Самарқанд ва Бухорога тарихий обидаларни зиёрат қилишга борилади. Хотира ва қадрлаш кунда эса уруш ва меҳнат фахрийларини маҳалла идорасида дастурхон ёзиб табрикланади. Фахрийлар ва маҳалла фаоллари рағбатлантирилиб, моддий ва маънавий қўмак кўрсатилади, маҳалла фуқаролар кенгашининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Албатта бундай тадбирлар маҳалла аҳолисини яратиб ва яшатиш, ободончилик ишларида янги марралар сари чорламоқда.  
**Йўлдош МАНСУРОВ**

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг


“Тошавтобустранс” ва “Тошэлектротранс” компаниялари ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

- автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;
трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;
троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;
чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустранс” Акциядорлик компанияси: 233-59-38
“Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР МАХТУМКУЛИ

Ҳотам бўлиб, аммо риё қилгандан, Кўнгилда қилинган ҳикмат яхшидир.

Ҳар ким бошқа бўлса айтган сўзиндан, Ундан динга қайтган Язид яхшидир.

Бир-бирини чопмоқ эмас эрликдан, Бу иш шайтондандир, Балки кўрликдан, Манманлик айиргай элни бирликдан, Давлат кетиб, навбат душмона келгай.

Дўстингни ушлама, нафдан қолмасин, Душманинг сақлама, нафдан қолмасин, сиринг билмасин.

Ҳақиқат, эр юз қайтармас балодан. Эл кўзича юз йил тоат қилгандан, Яхшидир, бир сахар кўздан ёш келса.

Маст бўлиб юрганча бегона юртда, Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма. Мағрур қалқиб каби нафс деган дардда Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Ҳар қаерга борсанг, насбандгир ёр, Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма!

Номардлар ҳам ярамаслар, ночорлар, Тузинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар, Сирингни фош этиб, айбинг очарлар, Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Нодон кўнгли ёлгон сўзни рост билар.

Беқадрлар душманингда дўст бўлар.

Бошга нима келса, тилингда келар.

Қай ерга оёқ босдинг, кўзинг оч: ўзингга бок.

Уруғ соч, ўрарсан, келганинг жоя, Умрингни ўтказма беҳуда, зоеъ, Назар айласангиз ушбу дунёя, Келган кетар, турмас, кўҳна саро(й)дир.

Вақт ҳексиздир, умр оз.

Ҳар бир сўзи жонга мадор, Яхши билан йўлдош бўлган. Қочиб кутулмоққа тайёр, Ёмон кимсага дуч бўлган.

Бу унбедан барча ўтар, Мақсад ҳосилини кўтар, Дам-бадам ғам-ғусса ютар, Бир ёмонга қардош бўлган.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Akfa Media» МЧЖнинг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ДУШАНБА, 22

«Ўзбекистон» 05.55 Қўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким» 07.05 «Ихлор» 07.10 ТВ - анонс. 07.15 ТелеТаб: «Чимилдик». 07.50 «Олтин мерос». 08.00 «Ташлиқнома». 08.40 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». 09.20 - 10.20 «Мазнавият» дастури. «Болалар сайраси»: 10.20 «Болалар дунёси». 10.40 «Бодобод». М/ф. 10.50 ТВ - анонс. 10.55 «Сизнинг адвокатингиз». 11.00 «Ахборот». 11.10 ТВ - анонс. 11.15 «Кирол Сежонг». Т/с. 11.50 «Ўртин бўйлаб» дастури: «Буҳоро қунарамдари». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.50 «Икким». 12.55 ТВ - анонс. 13.00 Миллий кино: «Едгор». 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Ватанимиз». 15.00 «Олам ва одам» дастури: «Юдуннинг туғилиши». 15.50 «Бир кун». 16.20 ТВ - анонс. 16.25 «Ўртин бўйлаб» дастури: «Китоб-геологик қўриқонаси». 16.45 «Стандарт ва сифат». 17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ - анонс. 17.15 «Ҳаёт ва қонун». «Болалар сайраси»: 17.55 «Эртақлар - ҳашилка етаклар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Миллий сериал: «Меҳробдан чиқин». 18.55 «Фудбол манзиллар». 19.20 «ТВ - шифокор». 19.25 - 19.55 «Эълонлар». 19.50 «Ахборот». /рус/. 20.00 ТВ - анонс. 20.05 «Кирол Сежонг». Т/с. 20.45 «Ватанимиз куйлайман». 20.50 ТВ - анонс. 21.00 «Ахборот». 21.30 «Тузук». 22.30 «Катта пойга». Б/ф. Премьера. 1-қисм. 23.15 «Икким». 23.20 ТВ - анонс. 23.25 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с. 00.40 - 00.50 Тунги наволар. «Ўзбекистан». 00.50 Қўрсатувлар дастури. 00.55 ТВ - анонс. 01.00 «Ахборот». /рус/. 01.30 «Бир кун». 01.55 «Олтин мерос». 02.00 - 04.00 «Мазнавият» дастури. 04.00 «Ахборот». 04.30 ТВ - анонс. 04.35 ТелеТаб: «Чимилдик». 05.10 «Очун». 05.20 «Обод манзиллар». 05.45 - 05.55 Тунги наволар. «Ёшлар» 14.55 «Ҳойна!» салони. 15.00 «Камолот». 15.10 «Китоб - оғдоб». 15.20 «Навоий набарлари». 15.30 «Давринг боласи». 15.40 «Миллий мулфатфильм». 15.50 «Ватан меҳри». 15.55 «Ўзбек адабиёти». 16.00 «Давр». 16.10 «Муъжизавий дунё». 16.40 «Сув ҳам тугайдини?». 16.55 «Кийлоғимга кат». 17.00 «Давринг боласи». 17.10 «Айица Гами». М/ф. 17.30 «Ёшлар ва талим». 17.40 «Ҳаёт завои». 17.55 «Ўзбек адабиёти». 18.00 «Кайтар дунё». Т/с. 18.45 «Ўзбек». 18.50 «Тошқанди азим». 19.00 «Давр». 19.30 «Дил пайванди». Т/с. 20.20 «Автопатруль». 20.40 2009 йил - Кишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили: «Кишлоқдаги тенгдошим». 20.55 «Менинг оилам». 21.00 «Шероқ». Т/с. 21.55 «Кўнгил». 22.00 «Давр». 22.30 Киноклассика: «Алп йигитининг улашиши». 23.35 «Юрт тинчлиги». «Тошкент» 14.55 Қўрсатувлар тартиби. 15.00 «Пойтахт». 15.20 «Анонс». 15.25 «Главенные музыканты». Т/ф. 15.40 Жиззах телерадиокомпанияси намоиш этакди: «Тог навои». 15.50 «Мудуқи хато». Б/ф. 17.30 «Тошкент-2200». 17.55 «Ака-ука Гриммлар». М/ф. 17.45 «Карвонсарой». 17.55 «Телекурер-маркет». 18.15 Тошкентнинг 2200 йиллиги: «Тошкентнинг илм масканлари». 18.25 «Анонс». 18.30 «Пойтахт». 18.50 «Муҳаббат хаваси». Т/с. 19.45 «Анонс». 19.50 «Саломат бўлинг». /рус/. 20.20 «Пойтахт». /рус/. 20.25 «Анонс». 20.25 «Анчик ёлгон». Т/с. 21.00 «Аёл қалби».

ТОШКЕНТ, 22

08.00 «Ахборот». 08.30 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». 09.20 - 10.20 «Мазнавият» дастури. 10.20 «Очун». 10.30 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси намоиш этакди: «Коялар». 10.50 ТВ - анонс. 10.55 «Сизнинг адвокатингиз». 11.00 «Ахборот». 11.10 «ТВ - шифокор». 11.15 «Кирол Сежонг». Т/с. 11.50 «Ахборот». /инглиз/. 11.55 «Телекурер-маркет». 12.50 «Икким». 12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чиқин». «Болалар сайраси»: 13.50 «Нонин босган қича ҳақида». М/ф. 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Олдин кайт». Ток-шоу. 15.05 «Иносониетинг тамаддун бешиклари: Ўзбекистон». Х/ф. 1-қисм. 15.45 «Дунё манзаралари». 16.15 «Ташкор кайтарлар». 16.20 «Очун». 16.25 «Ўзбеклар». Ток-шоу. 17.00 «Ахборот». 17.15 «Ҳудудлар хаёти: «Болалар сайраси»: 17.55 «Эртақлар - ҳашилка етаклар». 17.55 «ТВ - анонс». 18.00 «Олтин мерос». 18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чиқин». 18.50 ТВ - анонс. 18.55 «Минг бир ривоят». 19.00 «Навоийнинг ағлаши». 19.20 «ТВ - шифокор». 19.25 - 19.55 «Эълонлар». 19.30 «Ахборот». /рус/. 20.00 ТВ - анонс. 20.05 «Кирол Сежонг». Т/с. 20.45 «Ватанимиз куйлайман». 20.50 ТВ - анонс. 21.00 «Ахборот». 21.30 «Тузук». 22.30 «Катта пойга». Б/ф. Премьера. 1-қисм. 23.15 «Икким». 23.20 ТВ - анонс. 23.25 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с. 00.40 - 00.50 Тунги наволар. «Ўзбекистан». 00.50 Қўрсатувлар дастури. 00.55 ТВ - анонс. 01.00 «Ахборот». /рус/. 01.30 «Бир кун». 01.55 «Олтин мерос». 02.00 - 04.00 «Мазнавият» дастури. 04.00 «Ахборот». 04.30 ТВ - анонс. 04.35 ТелеТаб: «Чимилдик». 05.10 «Очун». 05.20 «Обод манзиллар». 05.45 - 05.55 Тунги наволар. «Ёшлар» 06.55 «Ҳойна!» салони. 07.00 «Камолот». 07.10 «Китоб - оғдоб». 07.20 «Навоий набарлари». 07.30 «Давринг боласи». 07.40 «Миллий мулфатфильм». 07.50 «Ватан меҳри». 07.55 «Ўзбек адабиёти». 08.00 «Давр». 08.10 «Муъжизавий дунё». 08.40 «Сув ҳам тугайдини?». 08.55 «Кийлоғимга кат». 09.00 «Давринг боласи». 09.10 «Мультианорама». 09.20 «Автопатруль». 09.40 «Ўзбек адабиёти». 09.45 «Олтин турпоқ». 09.55 «Ўзбек». 10.00 «Давр». 10.10 «Дил пайванди». Т/с. 10.40 «Анонс». 10.45 «Ўзбек». 10.50 «Тошқанди азим». 10.55 «Ўзбек адабиёти». 11.00 «Давр». 11.10 «Муъжизавий дунё». 11.40 «Сув ҳам тугайдини?». 11.50 «Кийлоғимга кат». 12.00 «Давринг боласи». 12.10 «Айица Гами». М/ф. 12.30 «Ёшлар ва талим». 12.40 «Ҳаёт завои». 12.55 «Ўзбек адабиёти». 13.00 «Кайтар дунё». Т/с. 13.45 «Ўзбек». 13.50 «Тошқанди азим». 13.55 «Ўзбек адабиёти». 14.00 «Давр». 14.10 «Муъжизавий дунё». 14.40 «Сув ҳам тугайдини?». 14.55 «Кийлоғимга кат». 15.00 «Давринг боласи». 15.10 «Миллий мулфатфильм». 15.20 «Ватан меҳри». 15.25 «Ўзбек адабиёти». 15.30 «Давр». 15.40 «Муъжизавий дунё». 15.70 «Сув ҳам тугайдини?». 15.85 «Кийлоғимга кат». 15.95 «Давринг боласи». 16.00 «Давр». 16.10 «Муъжизавий дунё». 16.40 «Сув ҳам тугайдини?». 16.55 «Кийлоғимга кат». 17.00 «Давринг боласи». 17.10 «Айица Гами». М/ф. 17.30 «Ёшлар ва талим». 17.40 «Ҳаёт завои». 17.55 «Ўзбек адабиёти». 18.00 «Кайтар дунё». Т/с. 18.45 «Ўзбек». 18.50 «Тошқанди азим». 19.00 «Давр». 19.30 «Дил пайванди». Т/с. 20.20 «Автопатруль». 20.40 2009 йил - Кишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили: «Кишлоқдаги тенгдошим». 20.55 «Менинг оилам». 21.00 «Шероқ». Т/с. 21.55 «Кўнгил». 22.00 «Давр». 22.30 Киноклассика: «Алп йигитининг улашиши». 23.35 «Юрт тинчлиги». «Тошкент» 7.20 Қўрсатувлар тартиби. 7.25 «Салом, Тошкент!». 8.25 Бизнес-«Пойтахт». 8.30 «Муҳаббат хаваси». Т/с. 9.20 «Карвонсарой». 9.30 «Пойтахт». 9.35 «ТелеТаб: «Чимилдик». 9.45 «Тошқанди латифа». 9.55 «Уйларим». 10.00 «Телекурер-маркет». 10.20 «Саломат бўлинг». /рус/. 10.50 «Пойтахт». /рус/. 10.55 «Анонс». 10.55 «Ўзбек адабиёти». 11.00 «Ахборот». /рус/. 11.05 «Ихлор». 11.10 ТВ - анонс. 11.15 ТелеТаб: «Чимилдик». 11.50 «Рақсинг севриб олам».

СПОРТ

Телерадиокомпанияси намоиш этакди! Прогнозика муносабати билан, 22 май кунини «Спорт» телерадиоканали ўз қўрсатувларини 18.00 дан бошлади. 18.00 «Тет-а-тет». 18.10 «Барқамол авлод». 18.30 «Хабарлар» (рус тили) 18.55 «Повлон». 19.00 «Тет-а-тет». 19.10 «Барқамол авлод». 19.20 «Хабарлар» (рус тили) 19.30 «Азия ЛОТО». 19.55 Теннис. Уимблдон турнири. 20.55 «Футбол шарҳи». 21.30 «Хабарлар» (рус тили) 21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ. «ЮВЕНТУС» - «ЧЕЛСИ». 22.30 - Биринчи рақамли уйинчи. Балдин филми. 01.20 «Тунгиз оғузи бўйсин!» «Первый канал» 4.00, 8.05 «Добро утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.30, 2.00 «Новости». 8.30 Малахов +. 9.30 Модный приговор. 10.25 Контрольная закупка. 11.15 Агент национальной безопасности. Сериал. 12.20 «Детективы». 13.25 Понять. Простить. 14.15 «Хочу знать!». 14.50 «Давай поженемся!». 15.55 Федеральная судья. 17.20 Т/с «След». 18.05 «Жды меня!». 18.55 «Обручальное кольцо». Сериал. 20.00 «Время». 20.30 «Смерть шпионам. Крым». Сериал. 21.30 «Не бойся, я с тобой». 22.30 «Познер». 23.50 Дневник 31-го Московского Международного кинофестиваля. 00.00 Гени и злодеи. 00.30, 2.05 Х/ф «Восхождение». 2.30 Комедия «Открыть себя». «Россия» 4.00 Добро утро, Россия! 7.55, 10.45, 13.40 Х/ф «Отряд специального назначения». Ток-шоу. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 16.50 Вести. Дежурная часть. 17.00 «Однажды будет любовь». Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть». Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «1941». 2009 г. 21.50 «Дети войны. Последние свидания». 22.50 Вести +. 23.10 Х/ф «На дорогах войны». 00.45 Х/ф «Смех и наказание». 2.35 Комната смека. 3.30 «Городок». «НТВ» 5.00 «Сегодня». 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие вели... 11.00 Следствие вели... 12.35 Сериал «Возвращение Мухоморова». 14.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей». 18.30 Сериал «Город соблазнов». 20.15 Сериал «Псевдоним «Албанец-2»». 21.10 Честный понедельник. 22.20 Сериал «Оно». 23.20 «Школа злодеяния». 00.10 «Онаптротидий». 00.45 Боевик «2000 момент апокалипсиса». 2.45 Сериал «Кощмары и фантазии». 4.10 Сериал «Андропов». «СТС» 7.00 «Звизка». Сериал. 7.55 «Смешарики». М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Патина джона» - Сериал. 10.00 «Ранетки». Сериал. 10.00, 1.00 Истории в деталях. 11.00, 18.30 «Галлео». 11.00 «Сериал «Моя прекрасная няня». 13.00 «Галлео». 13.30 «Не может быть!». 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.00 «Дэйв варвар». М/с. 16.30 «101 далматинец». М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или Жизнь Зака и Коди». Сериал. 17.00 «Кадетство». Сериал. 19.30, 00.50 «6 кадров». 21.00 «Кремлевские курсанты». Сериал. 22.00 «Любовь - не то, что кажется...». Сериал. 23.00 Х/ф «Изо всех сил». 1.30 «Кино в деталях». 2.30 Х/ф «Идеальный брак». 4.05, 4.50 «Завтра наступит сегодня».

РОССИЯ

11.35 «Анонс». 11.40 «Сиздан утгина, биздан бутгина». Б/ф. 13.00 «Салом, Тошкент!». 14.00 «Дунё теледастури». 14.50 «Анонс». 14.55 «Эвонсан, Тошкентим!». 15.00 «Пойтахт». 15.20 «Тирик сайра. Канотли оенилар». Х/ф. 16.10 Египт таълиқ кулариди: «Учувини паризин». Б/ф. 17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф. 17.45 «Карвонсарой». 17.55 «Телекурер-маркет». 18.15 «Икким». 18.25 «Тошкент 2200». 18.30 «Пойтахт». 18.30 «Муҳаббат хаваси». Т/с. 19.40 Бизнес-«Пойтахт». 19.45 «Истёлод». 20.00 «Пойтахт». /рус/. 20.20 «Анонс». 20.25 «Анчик ёлгон». Т/с. 21.00 «Репортаж». /рус/. 21.10 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги: «Менинг махаллам». 16.25 «Уйларим». 21.30 «Пойтахт». 21.50 «Анонс». 21.55 «Телекурер-маркет». 22.25 «Кино SMS со звездами». 22.20, 23.45 «18 лет спустя». Х/ф. «Спорт» 07.00 «Бодрое утро». 07.50 «Тет-а-тет». 08.00 «Хабарлар» (рус тили) 08.20 «Малахов +». 09.05 «Фазовий футбол». Сериал. 09.30 «Хабарлар» (рус тили). 10.05 Теннис. Уимблдон турнири. 11.35 «Футбол шарҳи». 12.10-13.50 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ. «БАРСЕЛОНА» - «ЛИОН». 18.00 «Тет-а-тет». 18.10 «Барқамол авлод». 18.30 «Хабарлар» (рус тили) 18.55 Теннис. Уимблдон турнири. 19.45 «Формула-1». Саралаш бахслари. 20.45 Легкая атлетика. Командный чемпионат Европы. 21.30 «Хабарлар» (рус тили). 21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ. «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» - «ЧЕЛСИ». 23.30 «Проблемы гениальности». Художественный фильм. 01.30 «Тунгиз оғузи бўйсин!» «Первый канал» 4.00, 8.05 «Добро утро, Россия! 7.55, 10.45, 13.40 Х/ф «Отряд специального назначения». Ток-шоу. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 16.50 Вести. Дежурная часть. 17.00 «Однажды будет любовь». Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть». Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «1941». 2009 г. 21.50 «Дети войны. Последние свидания». 22.50 Вести +. 23.10 Х/ф «На дорогах войны». 00.45 Х/ф «Смех и наказание». 2.35 Комната смека. 3.30 «Городок». «НТВ» 5.00 «Сегодня». 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие вели... 11.00 Следствие вели... 12.35 Сериал «Возвращение Мухоморова». 14.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей». 18.30 Сериал «Город соблазнов». 20.15 Сериал «Псевдоним «Албанец-2»». 21.10 Честный понедельник. 22.20 Сериал «Оно». 23.20 «Школа злодеяния». 00.10 «Онаптротидий». 00.45 Боевик «2000 момент апокалипсиса». 2.45 Сериал «Кощмары и фантазии». 4.10 Сериал «Андропов». «СТС» 7.00 «Звизка». Сериал. 7.55 «Смешарики». М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Патина джона» - Сериал. 10.00 «Ранетки». Сериал. 10.00, 1.00 Истории в деталях. 11.00, 18.30 «Галлео». 11.00 «Сериал «Моя прекрасная няня». 13.00 «Галлео». 13.30 «Не может быть!». 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.00 «Дэйв варвар». М/с. 16.30 «101 далматинец». М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или Жизнь Зака и Коди». Сериал. 17.00 «Кадетство». Сериал. 19.30, 00.50 «6 кадров». 21.00 «Кремлевские курсанты». Сериал. 22.00 «Любовь - не то, что кажется...». Сериал. 23.00 Х/ф «Изо всех сил». 1.30 «Кино в деталях». 2.30 Х/ф «Идеальный брак». 4.05, 4.50 «Завтра наступит сегодня».

ТВ

7.55 «Смешарики». М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Патина джона» - Сериал. 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты». Сериал. 10.00, 1.00 Истории в деталях. 11.00, 22.00 «Любовь - не то, что кажется...». Сериал. 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня». 13.00, 18.30 «Галлео». 13.30 «Не может быть!». 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.00 «Дэйв варвар». М/с. 15.30 «Чародей». М/с. 16.00 «101 далматинец». М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или Жизнь Зака и Коди». Сериал. 17.00 «Кадетство». Сериал. 19.30, 00.50 «6 кадров». 21.00 «Кремлевские курсанты». Сериал. 22.00 «Любовь - не то, что кажется...». Сериал. 23.00 Х/ф «Изо всех сил». 1.30 «Кино в деталях». 2.30 Х/ф «Идеальный брак». 4.05, 4.50 «Завтра наступит сегодня». «Тошкент» 7.20 Қўрсатувлар тартиби. 7.25 «Салом, Тошкент!». 8.25 Бизнес-«Пойтахт». 8.30 «Муҳаббат хаваси». Т/с. 9.20 «Карвонсарой». 9.30 «Пойтахт». 9.35 «ТелеТаб: «Чимилдик». 9.45 «Тошқанди латифа». 9.55 «Уйларим». 10.00 «Телекурер-маркет». 10.20 «Саломат бўлинг». /рус/. 10.50 «Пойтахт». /рус/. 10.55 «Анонс». 10.55 «Ўзбек адабиёти». 11.00 «Ахборот». /рус/. 11.05 «Ихлор». 11.10 ТВ - анонс. 11.15 ТелеТаб: «Чимилдик». 11.50 «Рақсинг севриб олам».

ЧОРШАНБА, 24

«Ўзбекистон» 05.55 Қўрсатувлар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Икким». 07.05 «Ихлор». 07.10 ТВ - анонс. 07.15 ТелеТаб: «Чимилдик». 07.50 «Олтин мерос». 08.00 «Ташлиқнома». 08.40 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». 09.20 - 10.20 «Мазнавият» дастури. 10.20 «Очун». 10.30 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси намоиш этакди: «Коялар». 10.50 ТВ - анонс. 10.55 «Сизнинг адвокатингиз». 11.00 «Ахборот». 11.10 «ТВ - шифокор». 11.15 «Кирол Сежонг». Т/с. 11.50 «Ахборот». /инглиз/. 11.55 «Телекурер-маркет». 12.50 «Икким». 12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чиқин». «Болалар сайраси»: 13.50 «Нонин босган қича ҳақида». М/ф. 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Олдин кайт». Ток-шоу. 15.05 «Иносониетинг тамаддун бешиклари: Ўзбекистон». Х/ф. 1-қисм. 15.45 «Дунё манзаралари». 16.15 «Ташкор кайтарлар». 16.20 «Очун». 16.25 «Ўзбеклар». Ток-шоу. 17.00 «Ахборот». 17.15 «Ҳудудлар хаёти: «Болалар сайраси»: 17.55 «Эртақлар - ҳашилка етаклар». 17.55 «ТВ - анонс». 18.00 «Олтин мерос». 18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чиқин». 18.50 ТВ - анонс. 18.55 «Минг бир ривоят». 19.00 «Навоийнинг ағлаши». 19.20 «ТВ - шифокор». 19.25 - 19.55 «Эълонлар». 19.30 «Ахборот». /рус/. 20.00 ТВ - анонс. 20.05 «Кирол Сежонг». Т/с. 20.45 «Ватанимиз куйлайман». 20.50 ТВ - анонс. 21.00 «Ахборот». 21.30 «Тузук». 22.30 «Катта пойга». Б/ф. Премьера. 1-қисм. 23.15 «Икким». 23.20 ТВ - анонс. 23.25 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с. 00.40 - 00.50 Тунги наволар. «Ўзбекистан». 00.50 Қўрсатувлар дастури. 00.55 ТВ - анонс. 01.00 «Ахборот». /рус/. 01.30 «Бир кун». 01.55 «Олтин мерос». 02.00 - 04.00 «Мазнавият» дастури. 04.00 «Ахборот». 04.30 ТВ - анонс. 04.35 ТелеТаб: «Чимилдик». 05.10 «Очун». 05.20 «Обод манзиллар». 05.45 - 05.55 Тунги наволар. «Ёшлар» 06.55 «Ҳойна!» салони. 07.00 «Камолот». 07.10 «Китоб - оғдоб». 07.20 «Навоий набарлари». 07.30 «Давринг боласи». 07.40 «Миллий мулфатфильм». 07.50 «Ватан меҳри». 07.55 «Ўзбек адабиёти». 08.00 «Давр». 08.10 «Муъжизавий дунё». 08.40 «Сув ҳам тугайдини?». 08.55 «Кийлоғимга кат». 09.00 «Давринг боласи». 09.10 «Мультианорама». 09.20 «Автопатруль». 09.40 «Ўзбек адабиёти». 09.45 «Олтин турпоқ». 09.55 «Ўзбек». 10.00 «Давр». 10.10 «Дил пайванди». Т/с. 10.40 «Анонс». 10.45 «Ўзбек». 10.50 «Тошқанди а



Давоми Боши 3-бетда.

13.20, 19.30 Вести-Москва.
13.40 Серил «Возвращение Турецкого».

«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».

«Ташкент»
7.20 Курсувалар тартиби.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Спoрт»
07.00 «Бодур ут-ро».

«Первый канал»
4.00 «Бодур ут-ро».

«Россия»
4.00 Доброе утро, Россия!

«Шoр»
06.55 «Юшлар салoми».

«НТВ»
5.00 «Сeгoдaя ут-рoм».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

15.30 Серил «Улицы разбитых фонарей».

«СТС»
7.00 «Эрикс».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Спoрт»
07.00 «Бодур ут-ро».

«Россия»
4.00 Доброе утро, Россия!

«Шoр»
06.55 «Юшлар салoми».

«НТВ»
5.00 «Сeгoдaя ут-рoм».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

дународного кинофестиваля.

«Россия»
4.00 Доброе утро, Россия!

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Спoрт»
07.00 «Бодур ут-ро».

«Россия»
4.00 Доброе утро, Россия!

«Шoр»
06.55 «Юшлар салoми».

«НТВ»
5.00 «Сeгoдaя ут-рoм».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Первый канал»
5.00, 9.00, 11.00 Новости.

«Россия»
4.45 Х/ф «Матрос с Кометы».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Спoрт»
07.00 «Бодур ут-ро».

«Россия»
4.45 Х/ф «Матрос с Кометы».

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.

«Ўзбекистон»
05.55 Курсувалар дастури.



Мозий садо берар турли номлардан, Бинкатми, Чочми ё Мадинат уш Шош. Йўлин йўқотганга йўл бердинг доим,

Қалбларни ёритдинг бамисли қуёш. Айланай, ўргилай нурмакон шаҳрим, Жонахон Тошкентим, онахон шаҳрим.

Advertisement for Akmal Akromov, including contact information, address, and phone numbers.